

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Jizzax plastmassa" AJ

Объявление

"JIZZAX PLASTMASSA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“JIZZAX PLASTMASSA” AJ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

“Jizzax plastmassa” AJ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

Х А Б А Р Н О М А

Хурматли акциядор, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, “Jizzax plastmassa” AJ, Сизга 2024 йил 17-февраль куни соат 11-00 да Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 5-уй манзилида (“Chirchiq kimyo - industrial texnoparki direksiyasi” МЧЖнинг маъмурий биноси) Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 13-февраль ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 17-февраль куни соат соат 10-00 да бошланиб соат 11-00 гача давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2023 йилдаги “Жиззах ва Тошкент вилоятларида кимё-индустриал технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-127-сонли қарорига асосан, “O`zkimyosanoat” AJни “Jizzax plastmassa” AJ устав фондидаги улушини камайтириш ҳамда “Jizzax plastmassa” AJнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари (ахборотлари) билан “Jizzax plastmassa” AJда танишишингиз мумкин.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

“Jizzax plastmassa” AJ Кузатув кенгаши

30.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16726/>

Дата: 06.05.2026